

## **XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЖАДИДЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҒОЯЛАРИ**

**Нигмонжон Пардаевич АЗИЗОВ**

Юридик фанлар доктори

профессор

Ўзбекистон Республикаси Фанлар

Академияси Давлат ва хуқуқ институти

Тошкент, Ўзбекистон

### **Аннотация**

Мақолада XX аср бошларида Туркистон ўлкасида сиёсий партиялар томонидан илгари суринган жамият ҳаётини ислоҳ этишни кўзда тутувчи конституциявий ғоялар ва уларнинг мазмун-моҳияти таҳлил этилган.

**Таянч сўзлар:** Туркистон, конституциявий ғоялар, инсон, жамият, давлат, ислоҳот, инсон хуқуқлари.

## **КОНСТИТУЦИОННЫЕ ИДЕИ ТУРКЕСТАНСКИХ ДЖАДИДОВ В НАЧАЛЕ ХХ В.**

**Нигмонжон Пардаевич АЗИЗОВ**

Доктор юридических наук

профессор

Институт государства и права

Академии наук Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

### **Аннотация**

В статье анализируется содержание и сущность конституционных идей Туркестанских джадидов в начале XX века, предусматривающие реформы в обществе.

**Ключевые слова:** Туркестан, конституционные идеи, человек, общество, государство, реформы, права человека.

Тарихий тараққиётнинг ҳар бир босқичида ҳал этилиши лозим бўлган муаммо ва вазифалар мавжуд бўлиб, уларнинг самарали ҳал этилиши жамият илгариланма ҳаракатини таъминлайди. XX аср бошларида Туркистон ўлкасидаги ижтимоий вазият жамият ҳаётида туб ислоҳотлар ўтказишни тақозо этган. Худди шу сабабли, Ўрта Осиё ҳалқлари тарихига жадидчилик ҳаракати номи билан кирган ижтимоий-сиёсий ҳаракат ўлка ҳалқлари ҳаётини тубдан ўзгартиришга бел боғлаган.

Улар замонавий жамият ва давлат ҳамда инсон ҳаёти учун муҳим бўлган ғояларни илгари сурғанлар ва конституция даражасида мустаҳкамлашга интилганлар. Ҳалқ ҳокимиятчилигига асосланган ҳуқуқий давлат барпо этиш,

қонун устунлигига эришиш, суд-хуқук тизимини илғор давлатчилик негизида ислоҳ этиш, инсон ҳуқук ва эркинликларига риоя этиш, тенг ҳуқуқлилик ва адолатни таъминлаш шулар жумласидандир.

Туркистанда давлат ҳокимиятини демократик тарзда ислоҳ этиш ва жамиятнинг тадрижий тараққиётини таъминлашни тарғиб этувчи партиялар фаолият кўрсатган. Улар сирасига «Конституциявий демократлар», «17 октябрь иттифоқи», «Шўрои ислом», «Шўрои уламо», «Турк адами марказияти», «Алаш ўрда» партияларини киритиш мумкин.

Сиёсий партиялар ўз дастурий ҳужжатларида конституция даражасида мустаҳкамланиши лозим бўлган масалалар ва вазифаларни илгари сурганлар. Жамият аъзолари, ҳокимият идоралари, мазкур муаммоларга жаҳон оммасининг эътиборларини жалб этганлар.

Шундай партиялардан бири – Конституциявий демократлар партияси бўлиб, у ўзининг либерал ғоялари билан Туркистан жадидлари орасида катта нуфузга эга эди. Конституциявий демократлар партияси дастури таҳлили шуни кўрсатадики, унда либерализм таълимоти тўлиқроқ ифодаланган. «Кадет»лар учун мавжуд давлат ҳокимиятини ислоҳ этиш асосий вазифа ҳисобланган. Улар ҳар қандай тўнтариш, зўрлик ишлатишларга қарши чиққанлар. Ўз дастурий ғояларини қонуний, парламент воситасида амалга ошириш мумкин, деб ҳисоблаганлар. «Кадет»ларнинг сиёсий идеали жуда кенг фуқаролик ҳуқук ва эркинликларга эга бўлган Европа конституциявий давлатларига ўхшашиб тузишда тузилган ҳуқуқий давлат ҳисобланган [11; 80].

Конституциявий демократлар партиясининг 1905 йил 12-18 октябрида қабул қилинган дастурида давлат ҳокимияти масаласи мухим ўрин эгаллайди. Унда Россия давлатининг конституциявий тузилиши Асосий Қонун билан белгиланиши қайд этилган. Давлат бошқаруви бўйича монархия ёки республика шакллари масаласи олдиндан ҳал этилмаган. Лекин партиянинг II съездидаги давлат тузуми тўғрисидаги қоида қуйидаги тарзда ўзgartирилган: «Россия конституциявий ва парламентар монархия бўлиши лозим» [7; 478].

Мазкур банд шу кўринишида 1917 йилнинг марта гача, яъни

конституциявий демократик партиянинг VII съезди, Россияда республика тузумини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинганига қадар, ўзгаришсиз қолган.

Халқ вакиллари тўғрисидаги масалада партия дастурида бир тўхтамга келинмаган. Даструрда, халқ вакиллари диний эътиқоди, миллати ва жинсидан қатъий назар умумий тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан сайланиши, шу билан бирга халқ вакиллигини ташкил этиш масаласида, партия аъзолари орасида турли фикр мавжудлигига йўл қўйиши таъкидланади. Халқ вакиллиги бир ёки икки палатали шаклида бўлиб, улардан иккинчиси маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш вакилларидан иборат бўлади. Халқ вакиллиги қонунчилик ҳокимиятини амалга оширишда, давлат даромадлари ва харажатларини белгилашда, қонунийлик устидан, олий ҳамда қўйи маъмурият фаолиятининг мақсадга мувофиқлигини назорат қилишда иштирок этади.

Халқ вакиллари томонидан маъқулланмаган бирор бир қарор, фармойиш, фармон, буйруқ ва шу каби ҳужжатлар, у нима деб аталиши ва ким томонидан қабул қилинишидан қатъий назар қонуний кучга эга бўлмайди [8; 58].

Конституциявий демократлар ҳокимиятнинг тақсимланиш ғоясини ёқлаб чиққанлар. Даструрда министрлар халқ вакиллари йифини олдида жавоб бериши мустаҳкамланган. Лекин амалда министрлар фақат подшо олдида жавоб берганлар, унинг томонидан тайинланганлар ва лавозимдан озод этилганлар.

Конституциявий демократлар партияси дастурида халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқида бир қадар чекланган нуқтаи назар илгари сурилган. Унга кўра, Россия империясининг Асосий қонуни империяда яшаётган барча халқларга, инсонларнинг тўлиқ фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларидан ташқари, эркин маданий ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини кафолатлаши лозим. Жумладан, ижтимоий ҳаётда турли тил ва шевалардан эркин фойдаланиш ҳуқуқи; ўқув муассасалари ташкил этиш эркинлиги; ҳар бир халқнинг тили, адабиёти ва маданиятини сақлаш ва ривожлантириш

мақсадида турли йигин, иттифоқ ва муассасалар ташкил этиш эркинлиги [8; 57] белгилаб берилган.

Туркистон жадидларининг конституциявий ғоялари тадрижий тарзда ривожланиб борган. Улар онгли равишда Туркистон давлатчилигининг мустақиллигини кун тартибига қўйишидан олдин ўз куч ва воситаларини чамалаб кўришга мажбур бўлганлар. Проф. Ж.Ў.Тошқулов тўғри таъкидлаганидек, бу даврда жадидлар Туркистонни Россиядан ажратиш вазифасини қўймаганлар. Балки, ўзларининг конституциявий монархияни қўллаш ғояларидан тўлиқ воз кечганлар ҳамда Туркистонга Россия федератив демократик республикаси доирасида миллий-ҳудудий муҳторият берилишини ёқлаб чиққанлар [13; 148].

1917 йил 1-10 май кунлари Москвада бўлиб ўтган Россия мусулмонларининг I қурултойи ва 1917 йил 22 июлда Қозон шаҳрида бўлган умумrossия мусулмонларининг иккинчи қурултойи, умумrossия мусулмон аскарлари ва руҳонийларнинг қўшма съездида қабул қилинган қарорга мувофиқ, Туркистон Россия таркибида ҳудудий муҳтор республика бўлиши, темир йўл, банк, ташки алоқа, чегарани қўриқлаш, сулҳ ва уруш масалалари Россия ихтиёрида қолиши белгиланган [9; 41].

“Ал-Изоҳ” газетасининг 1917 йил 4 октябрь сонида баён қилинганидек, Тошкентда 1917 йил 17-20 сентябрь кунлари туркистонлик ва қозоқ мусулмонлари съезди бўлиб, унинг кун тартибida қўйидаги масалалар қўйилган: 1) Туркистон ўлкасининг бўлажак сиёсий қурилиши; 2) озиқ-овқат масаласи; 3) ер ва сувдан фойдаланиш; 4) суд; 5) масжидларни бошқариш; 6) вақф масаласи; 7) земство ҳақида; 8) хотин-қизлар масаласи; 9) мусулмон сиёсий партияларини ташкил этиш; 10) Мусулмон ўлка Шўроларини қайта ташкил этиш; 11) мусулмон аҳолисини ўлқани маъмурий бошқаришга жалб этиш; 12) Таъсис мажлиси ҳақида ва бошқа масалалар.

«Туркистон ўлкасининг бўлажак сиёсий тузилиши тўғрисида Ўлка мусулмонлари съезди резолюцияси»да қўйидагилар таъкидланган: «Сирдарё, Самарқанд, Фарғона ва Каспий орти вилоятлари, мазкур вилоятларда

яшаётган барча халқларнинг миллий-маданий ўз тақдирини ўзи белгилаш асосида ташкил этилган, «Туркистон федератив Республикаси» номи билан Россия республикаси таркибиға алоҳида худудий автоном федерацияси сифатида кириши керак» [4].

Мазкур резолюцияда бошқа сиёсий партиялардан фарқ қилган ҳолда алоҳида бир синф ёки табақа вакилларини эмас, балки ўлкада яшаётган барча миллат, элат ва халқларнинг ҳақ-хукуқларини ҳимоя қиласидиган олий ҳокимиятни ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Унга кўра, Туркистон федерациясининг ички бошқаруви ва ўзини-ўзи бошқариш масалалари бўйича олий ҳокимияти ўлкада яшаётган барча халқлардан пропорционал вакиллик асосида умумий, teng, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланадиган Туркистон парламентига тегишли бўлиши керак.

«Турк Федералистлар партияси» Дастирида ҳам шунга ўхшаш ғоя илгари сурилган. Унга кўра, а) умуман Россияда миллий-худудий-федератив асосларда демократик республикани ташкил этиш; б) Озарбайжон, Туркистон, Қирғизистон ва Бошқирдистонга худудий автономия берилиши; в) Волга бўйи ва қрим татарларига ҳамда турк халқларига миллий автономия берилишига эришиш партиянинг сиёсий вазифалари бўлиб ҳисобланади. Партия автономияга эришиш учун барча мусулмон халқларига ва турк бўлмаган (тоғликлар, курдлар, ажар ва бошқа) халқларга бу ишда кўмаклашади.

Ҳар бир автоном ҳудуднинг қонун чиқарувчи мажлиси, шунингдек маҳаллий ҳокимият органлари 20 ёшга тўлган барча эркак ва аёллар томонидан teng, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш ҳукуқи асосида ўтказиладиган сайловлар орқали ташкил этилади. Автоном бирликлар Россиянинг ажралмас федератив таркибий қисми ҳисобланиб, мудофаа, ташки сиёsat, молиявий тизим ва божхона вазифаларини биргаликда ҳал этади. Улар ўз ички (маъмурий, қонун чиқариш, молия-хўжалик, маданий ва суд ишлари) масалаларини олиб боришда мустақилдирлар [2].

«Алаш ўрда» партияси дастурида ҳам ҳокимият масаласи алоҳида ўрин

эгаллайди. Унда Россия демократик федератив республика бўлиши, ҳар бир алоҳида давлат федератив республикада мухтор ҳисобланниши, ҳукуматни Таъсис мажлиси бошқариши белгиланган. Мажлислар орасидаги даврда, давлатни Таъсис мажлиси ва Давлат думаси томонидан маълум муддатга сайланган президент бошқаради. Президент ўзини сайлаган органлар олдида маъсул ҳисобланади. Конун чиқарувчи ҳокимият фақат Давлат думасига тегишли, шунингдек унга ҳукумат устидан назорат қилиш ҳуқуки ҳам берилади [9]. Кўриниб турибдики, сиёсий партиялар асосчилари, жамият тараққиёти талабларидан келиб чиқиб, бу даврда Россия таркибида мухторият гоясини ёқлаб чиққанлар.

1917 йилнинг февраль-ноябрь ойлари Туркистонда ҳокимиятни ташкил этиш масаласини бутун жамият олдида кўндаланг қилиб қўйди. Россия ва унинг таркибий қисми ҳисобланган Туркистон ўлкасида ҳокимиятни эгаллаш борасида сиёсий кучлар ўртасида кескин тортишув ва баҳс-мунозаралар бошланиб кетди [2]. Сиёсий партиялар ўзларининг дастури, жамиятни ўзгартириш бўйича қарашларидан келиб чиқиб мазкур масалага ёндашганлар [2]. Лекин уларнинг камдан-кам қисмигина турли баландпарвоз шиорлардан воз кечиб, ўлкада яшаётган барча халқларнинг тинч-тотув яшши, барқарорлиги ва жамият тараққиётини таъминлашни кўзлаб фаолият юритганлар.

Бу даврда сиёсий партияларнинг диққат марказида турган асосий масала – ўлка ҳокимиятини тузиш, унинг мақомини белгилаш ҳамда халқлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун сайланадиган вакиллик миқдорини белгилаш масаласи ҳисобланган [1].

Октябрь тўнтариши натижасида Россия ва Туркистонда ҳокимиятнинг большевиклар томонидан зўрлик билан эгалланиши, маҳаллий сиёсий партияларнинг ўз тактикаларини ўзгартиришга мажбур қилди. «Марказий Шўрои ислом» ташаббуси билан 1917 йилнинг 26 ноябрида Туркистон ўлкаси мусулмонларининг IV қурултойи Кўқон шаҳрида ўз ишини бошлади. Унда Туркистон ўлкасининг барча минтақаларидан ва турли ташкилотлардан

жамиятнинг алоҳида табақалари манфаатларини, иродасини акс эттирувчи турли миллатлар вакиллари қатнашдилар. «Шўрои ислом», «Шўрои уламо», мусулмон ҳарбийлари кенгаши ва бошқалар шулар жумласидандир. Делегатлар келишиб бўлажак давлатни «Туркистон мухторияти» деб аташга қарор қилдилар. Бутун ўлка Таъсис мажлисида узил-кесил давлат ташкил этилиши таъкидланиб, Муваққат кенгаш тузилди.

Қурултой томонидан ишлаб чиқилган резолюцияда Туркистон ўлкасида яшовчи барча миллатларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш хуқуқи белгиланиб, Туркистон – Россия федератив-демократик Республикаси таркибидаги худудий-мухтор Республика деб эълон қилинган. Таъсис мажлисига Туркистон мухторияти шаклини белгилаш хуқуқи берилган. Ўлкани бошқариш ва унинг тузилиши бўйича қўйидагилар таклиф этилган: *биринчидан*, мухториятнинг Олий органи – Туркистон Халқ (Миллий) Мажлиси ҳисобланган; *иккинчидан*, Таъсис мажлисига сайловнинг ўзига хос (пропорционал) алоҳида тизимини йўлга қўйиш; *учинчидан*, мухториятнинг олий органларига Россия вакиллари ва аксинча, Россия олий органларига мухторият вакилларидан киритиш ҳамда Туркистон Мухторияти қонунлари Россия Федерацияси қонунлари ҳамда шариат нормалари асосида қабул қилиниши таклиф этилган; *тўртинчидан*, Туркистон Мухторияти ўзининг куролли кучлари, милицияси, прокуратурасига эга бўлиши, ташқи тажовуз содир бўлган тақдирда ўз ўзидан Россия ҳарбий қўмондонлиги ихтиёрига ўтиш ва бошқалар [3].

Лекин Туркистонда ҳокимиятнинг факат европа миллатига мансуб аҳоли қатлами қўллаётган социал-демократлар партиялари қўлига ўтиши ўлканинг сиёсий ҳаётини издан чиқариб юборди. Мамлакат фуқаролар уруши гирдобига тортилди. Социал-демократлар партиясининг асосий мақсади мавжуд ҳокимиятни ағдариб ташлаш ва унинг ўрнига «пролетариат диктатураси»ни ўрнатишдан иборат бўлган.

1917 йилнинг 17-21 ноябрь кунлари ишчи, солдат ва дехқон депутатлари советлари съезди бўлиб, унда ўлка ҳокимиятини тузиш масаласида ўнг ва сўл

гурухлар вужудга келган. Ўнглар (бирлашган социал-демократлар) фикрича, ҳокимият ишчи, солдат ва дехқон депутатлари советлари, шаҳарлар ўзини-ўзи бошқариш органлари ва мусулмонлар вакилларидан иборат бўлиши лозим. Сўллар (социал-демократлар – большевиклар ва социалист-революционарлар – максималистлар) марказий ҳокимиятга ўхшаш тарзда ўлка ҳокимиятини шакллантириш кераклигини исботлашга интилганлар. Уларнинг фикрича, ўлкани большевиклар, сўл эсерлар ва интернационалистлар вакилларидан иборат тартибда тузиладиган халқ комиссарлари совети бошқаради. Унда мусулмонлар (маҳаллий аҳоли вакиллари – А.Н.) «муросачилар» ва муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватловчи шаҳарлар ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирок этмайди.

Солдат, ишчи ва дехқон депутатлари кенгашларининг ўлка съезди 1917 йил 16-21 ноябрь кунлари бўлиб ўтиб, унда вилоятлардан 105 нафар делегат иштирок этган. Съезд президиуми социал-демократлар, меньшевиклар, большевиклар ва максималистлар фракцияси вакилларидан иборат таркибда сайланган. Съезднинг 16 ноябрда бўлиб ўтган йиғилишида дехқонлар съезди билан бирлашиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Съезд кун тартибига 2 та масала қўйилган: *биринчиси*, ўлка ҳокимиятини ташкил этиш; *иккинчиси*, таъсис съездига сайловлар масаласи. Ўлка ҳокимиятини ташкил этиш масаласида съездда кескин баҳс-мунозаралар бошланган. Баҳс-мунозаралар нафақат турли партиялар орасида, шу билан бирга бир партия доирасида турли-туман, баъзан бири-иккинчисини рад этадиган фикрлар хукм сурганлигини исботлайди [5].

Съезд материалларининг таҳлили шуни кўрсатадики, унда социал-демократлар большевиклар партияси бошқаларнинг фикрини инобатга олмасдан, фақат ўзларининг ғояларини амалга оширишга киришганлар. Улар, инқилоб солдат, ишчи ва дехқонлар томонидан амалга оширилганлигини, шу сабабли ҳокимият ҳам уларга тегишли бўлиши лозимлигини ёқлаб чиққанлар. Бунда ҳам инқилобий ҳаракатларда фаол иштирок этган партияларгина ҳокимиятга жалб этилиши, қуролли тўқнашувларда иштирок этмай бетараф

бўлганларга, ҳамда маҳаллий аҳоли вакилларига ўлкани бошқаришда ўрин йўқлиги таъкидланган.

Большевиклар зўрлик билан эгаллаб олинган ҳокимиятини, «қонунлаштириш» йўлидан бориб янги Конституцияни қабул қилдилар. Большевиклар томонидан қабул қилинган биринчи Конституция олти бўлим ва 60 параграфдан иборат эди. Асосий Қонуннинг дастлабки иккита бўлими (1-бўлими «Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуqlари Декларацияси», 2-бўлими «РСФСР Конституциясининг асосий қоидалари») раҳбар моддалар сифатида РСФСРнинг 1918 йилги Конституциясидан тўлиқ кўчириб олинганди.

Туркистон Советларининг V съезди орқали ўзлари эгаллаб турган вилоятларни Россия Федерациясининг Туркистон Мухтор Республикаси деб эълон қилди. 1920 йилги конституция қабул қилингунча ТАССР таркибида Сирдарё, Еттисув, Фарғона, Каспий орти, Самарқанд вилоятлари бўлган. Конституция Туркистон ўлкасининг марказдан узоқлиги, худудининг кенглиги, этнографик, топографик ва турмуш шароитларини ҳисобга олиб Туркистон республикасининг қатор мустақил ҳуқуqlарини ўрнатган.

Жумладан, Туркистон ўлкаси Конституция ўрнатадиган доирада қонунчилик ҳуқукини амалга ошириш; Туркеспубликасининг ери, суви, фойдали қазилмаларини тасарруф қилиш; федерал ҳокимият томонидан белгилangan ҳарбий тузилиш асосларини ўзгартириш ҳуқуки; чегарадош мамлакатлар билан бевосита муносабатларни олиб бориш; “заём” чиқариш, молиявий битимлар тузиш, солиқларни ўрнатиш; республика қонунларини ўзгартириш ва бошқалар [13].

Туркистон АССРнинг янги конституцияси 1920 йилнинг 24-сентябрида ТАССР Советларининг IX съездида қабул қилинди. У 1920 йилнинг 14-сентябрида РСФСР БМИҚ томонидан тасдиқланган «РСФСРнинг автоном қисми сифатида Туркистон Совет Социалистик Республикаси тўғрисида»ги қарорига мос ҳолда яратилган. Конституциянинг тузилиши 6 бўлим, 20 боб, 109 моддадан иборат бўлиб, 1918 йилги Конституциядан деярли фарқ

қилмаган.

ТАССР ва РСФСРнинг ўзаро муносабатлари Конституциянинг З-бўлимида ўз аксини топганди. Бу бўлимда ҳам 1920 йилнинг 14-сентябрида РСФСР БМИҚ томонидан тасдиқланган «РСФСРнинг автоном қисми сифатида Туркистон Совет Соцциалистик Республикаси тўғрисида»ги қарори матн бўйича акс эттирилган. Умуман олганда, Мазкур 1920 йилги Конституция Россия коммунистик партияси раҳбарларининг мақсадига мос келган ва Москва томонидан тасдиқланган. Шу тариқа Туркистон ўлкаси ўзининг кўзга кўринмас суверен хуқуқларидан маҳрум этилади.

Истиқлолчилик ҳаракати жараёнида қатор ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, булар орасида 1922 йилнинг 15–20 апрелида миллий-озодлик ҳаракати вакиллари иштирокида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг иккинчи қурултойи томонидан тасдиқланган 36 моддадан иборат бўлажак мустақил Туркистон Республикасининг вақтинчалик Конституцияси – Низомнома катта эътиборга молиқдир [13; 202].

Ундаги бош масала – бу ўлкада большевиклар ҳукмронлигига барҳам берилганидан сўнг мустақил Турк ислом республикасини ташкил этиш эди. Низомноманинг умумий мазмунидан келиб чиқиб шуни қайд этиш жоизки, бу давлат бошқарув шаклига кўра президентлик, давлат тузилиш шакли бўйича унитар, сиёсий режим нуқтаи назаридан демократик республика бўлиши керак эди. Мафкура соҳасида эса бу республикада ислом дини ҳукмронлик мавқеини эгаллаши кўзда тутилган (шу даврдаги расмий маълумотларга кўра Туркистон аҳолисининг 95 фоизини мусулмонлар ташкил қилган). Диний толерантлик акс эттирилган.

Низомномада Туркистонда яшовчи барча халқларнинг нуфузи, дини ва мазҳабидан қатъи назар уларнинг миллий ва диний урф-одатлари, маросимлари, анъаналарини амалга ошириш ва уларга риоя қилиш, миллий маданиятини ривожлантириш, ўз она тилида билим олиши учун шароит яратилиши кўрсатилган. Шунингдек, унда 15 кишидан иборат Муваққат ҳукумат – Вазирлар Маҳкамасини ташкил қилишга эътибор берилган.

Хукуматга қурултой томонидан сайланадиган президент бошчилик қилиши белгиланган. Қурултой томонидан президент, вице-президент ва давлат котибидан иборат таркибда ижроия қўмита ташкил қилиниши ҳам мустаҳкамланган.

Наманган, Андижон, Марғилон, Қўқон ва Ўш округларининг ҳарбий комиссарларини, мудофаа, ички ишлар, ташқи ишлар, почта ва телеграф, адлия, маданият, молия, транспорт вазирларининг тайинланиши кўрсатилган.

Юқорида кўрсатилган ушбу давлат органлари ва мансабдор шахслар ўз фаолиятини Туркистонда болжевиклар ҳукмонлигига барҳам берилгандан сўнг чақириладиган навбатдаги қурултойгача амалга оширишлари кўзда тутилади.

Низомномада қайд қилинишича, навбатдаги қурултой вакиллари 18 ёшга тўлган фуқаролар томонидан демократик сайловлар асосида сайланади. Вакилларнинг умумий сони 5000 та бўлиб, Туркистонда истиқомат қилувчи барча халқларнинг вакиллари уларнинг сонига мутаносиб ҳолда сайланиши керак. Қурултой муваққат ҳукумат томонидан чиқарилган ҳужжатларни, ҳукумат аъзоларини ва бошқа мансабдор шахсларни узил-кесил тасдиқлайди, ердан фойдаланиш ва бошқа республика ҳаёти билан боғлиқ мухим масалаларни муҳокама қиласи ва ҳал этади [13; 203].

Юқорида баён қилинганлардан шу нарса аён бўладики, ушбу Низомнома ўлгадаги миллий-озодлик кураши тарихида қабул қилинган мухим ҳужжатлардан бири бўлиб, унда келажакда ташкил этилиши лозим бўлган Мустақил Туркистон Республикасининг сиёсий, маданий, иқтисодий ва ҳукуқий ҳаётининг асосий қоидалари ўз аксини топган. Жамиятни демократик асосда қайта қуришнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилган. Кун тартибидаги вазифалар ўлка халқлари қўпчилигининг ўша даврдаги хошиш-истагига, жамият тараққиёти қонуниятларига мос келган.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Без компромиссов // Свободный Самарканд. – 1917. – 8 окт.
2. В краевом съезде крестьянских депутатов // Туркестанские ведомости. – 1917. – 16 нояб.
3. Доклад Бехбуди // Свободный Самарканд. – 1917. – 20 дек.
4. К автономии Туркестана // Туркестанский курьер. – 1917. – 11 ноябр.
5. Краевой съезд советов солдат, рабочих и крестьянских депутатов // Туркестанские ведомости. – 1917. – 21 нояб.
6. Краевой съезд советов солдат, рабочих и крестьянских депутатов // Туркестанские ведомости. – 1917. – 19 нояб.
7. Первый штурм / Сост., предисл., вступ. статьи к документам и comment. К.Ф.Шацилло. – Москва: Мол. гвардия, 1990. – 652 с.
8. Полный сборник платформ всех русских политических партий. С приложением высочайшего манифеста 17 октября 1905 г. и всеподданейшего доклада графа Витте. –Москва: Гос. публ. ист. б-ка России, 2001. – 132 с.
9. Программные документы мусульманских политических партий 1917–1920 гг. – Оксфорд, 1985. – 117 с.
10. Резолюция об автономии Туркестана // Свободный Самарканд, 1918. – 16 янв.
11. Степанов С. А. Кадеты (конституционно-демократическая партия) // Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Политология. – 2006. – №8. – С. 75–84.
12. Съезды Советов РСФСР... Т. I. – Москва, 1959. – С. 274–288.
13. Ташқулов Ж. У. Правовое государство: независимость, нация, экономика, идеология, политика. Т. IV. – Ташкент: Адолат, 1994. – 232 с.